



## ИНТЕГРАЦИЯ—КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ГАРОВИ

(Боши 1-бетда.)

лим олаётган иқтидорли ешларни танлаб, улар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориб, қушимча дарслар уюштириб, тест синовларига тайёрлаши керак. Тайёрлаш жараёнида узини курсатган ешларни моддий қийинчиликларини ҳисобга олиб, йил сарф-харажатларини корхоналар ўз зиммаларига олишлари лозим. Бундай таърибга икки йилдан бери баъзи вилоятларда синаб қурилайпти ва яхши натижаларга эришиляпти.

Интеграция натижасида ҳал қилиниши мумкин бўлган яна бошқа муаммоларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Жумладан:

— ўқув юрларини корхоналарда жорий этилган янги технология ва техника билан жиҳозлаш;

— ўқув жараёнини янги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш; чет эл ўқув адабиётларини таржима қилиш, янги дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш, муаллифлар гуруҳини ташкил этиш, уларга ишлаб чиқаришдаги етук мутахассисларни жалб этиш;

— ўқув юрти профессор-уқи-

тувчиларининг республикамиз ва чет эл алоқа корхоналари ҳамда илмий муассасаларида стажировкасини ва уша корхона, муассасалар илгор мутахассисларининг ўқув юртида дарс олиб боришларини ташкил этиш;

— талабаларни бошланғич курслардан бошлаб улар бориб ишлайдиган корхоналарга боғлаб қўйиш, уларнинг ишлаб чиқаришда вужудга келадиган илмий-техник масалаларни ҳал этишда иштирокини уюштириш, корхоналарда ўқув таърибхоналарини ташкил этиш;

— ўқув юртидаги иқтидорли талабаларни махсус дастурлар асосида ўқитиш, улар билан ишлаш учун етук илмий ходимларни жалб этиш;

— корхоналардаги илмий-техник муаммоларни ҳал этиш учун ўқув юртининг интеллектуал потенциалдан фойдаланиш, буниги учун ўқув юрти ва корхона ўртасида ҳужалик шартномалари тузишни қўпайтириш;

— профессор-уқитувчилар, илмий ходимлар меҳнатини баҳолашга дифференциал ёндопиш, самарали фаолият курсатаётган ходимлар меҳнатини рағбатлантириш учун молиявий манбалар излаш.

Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш борасида амалга ошириш лозим бўладиган чора-тадбирлар ҳақида яна қўп гапириш мумкин.

**Равшан АСҚАРОВ,**  
**Рахбар ходимлар ва ўқув юртлири бўлими бошлиғи,**

**Зикрилла ЮСУПОВ,**  
**шу бўлим бошлиғи ўринбосари**

**ТАХРИРИЯТДАН:** Мазкур мақолани газетда чоп этишдан асосий мақсад — ўқув юртлири ва корхоналар ўртасидаги интеграция кадрлар тайёрлашда замон талабларига мос йўллардан бири эканлигига жамоатчилик фикрини жалб этишдир. Шу бис ҳам кадрлар тайёрлаш борасидаги мулоҳазалар жамланган мақолалар, тақмоатчилик фикрини жалб этишдир. Шу бис ҳам кадрлар тайёрлаш борасидаги мулоҳазалар жамланган мақолалар, тақмоатчилик фикрини жалб этишдир. Шу бис ҳам кадрлар тайёрлаш борасидаги мулоҳазалар жамланган мақолалар, тақмоатчилик фикрини жалб этишдир.

Алоқа соҳасидаги барча ўқув юртлири, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, ходим ва мутахассислари биз билан ҳамкорлик қиладилар деган умиддамиз.

### • Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

## МАҲАЛЛА ФАХРИ

Мирзачўл туман почта алоқа боғламасида ўз ишини яхши биладиган, танлаган касбини чин қалбдан севадиган, ҳурматга сазовор одамлар оз эмас. Ана шулардан бири — Гагарин шаҳри почтачиси Тамара Григорьевна Манушина.

У Россиянинг Красноярск вилоятидан кўчиб келганда 20 ёшли қиз эди. Тамара Григорьевна аввалига қурилишда меҳнат қилди. Дастлаб кўрик туман маркази — Гагарин шаҳрини бунёд этиш, обдонлаштириш ишларига ўз ҳиссасини кўшди. Шу ерда турмушга чиқди. Мана бугун у 4 нафар фарзанднинг онасидир.

— Мен жуда бахтлиман, — дейди Тамара опа. — Туманда яшайдиган қозоқлар ва ўзбеклар билан бир оила аъзоларидек ҳаёт кечираялмиш. У русми, қозоқми, ўзбекми, тожикми биз оддий одамлар учун фарқи йўқ. Туманда истиқомат қилувчилар орасида миллат ажратадиганлар йўқ.

Ҳа, рост гап. Жиззах вилоятига қарашли Мирзачўл тумани турли миллат вакиллари-нинг меҳнати натижасида бунёд этилган, халқлар дўстлигини ўзида мужассамлаштирган маскандир. Ҳозир бу ерда 30 га яқин миллат вакиллари ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб яшашаяпти.

Мирзачўл туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Исҳоқ Тожимбетов оддий хат ташувчи Тамара Манушина ҳақида шундай деди:

— У 1979 йили алоқачилик касбига меҳри тушиб, бизга ишга кирди. Мана ўн сак-



киз йилдирки ўзи танлаган почтачилик касбида ишлаб келаётир. Тамара Григорьевна хизмат кўрсатадиган маҳалла аҳли уни гоьтада ҳурмат қиладди, у билан фахрланишади.

**Ж. САРМАНОВ,**

*Мирзачўл тумани, «Достиқ» газетасининг мухаррир ўринбосари*

## АЗИЗ АЛОҚАЧИ ҲАМКАСБЛАР, САВОБ ИШДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНГ!

Ҳурматли алоқачилар!  
Барчамизга маълумки, 1996 йилнинг 14 апрель кунини республикамиз алоқачилари оғир жудоликка учиради. Халқимизнинг содиқ фарзанди, алоқачиларнинг меҳрибон устози, Тошкент Алоқа коллежининг директори Эркин Иқболович НУРИТДИНОВ бевақт вафот этди.

Эркин Иқболович ўзининг бутун ҳаётини республикамизда алоқа соҳасини ривожлантиришга, тармоқ учун етук мутахассислар тайёрлашга бағишлади. У 1970 йилдан то умрининг охиригача собиқ Тошкент алоқа политехникуми, ҳозирги Тошкент Алоқа коллежи жамоасига раҳбарлик қилиб келди.

Э. И. Нуриддинов раҳбарлик қилган даврда коллеж янада раванқ топди. Янги ўқув биноси, спорт мажмуаси, ётоқхона ва ошоналар бевосита унинг иштирокида бунёд этилди. Эркин ака ўқув таърибхоналарини замонавий техникалар билан жиҳозлашда алоҳида жонбозлик кўрсат-

ди. Ўзига ва қўл остидаги ходимларга, талабаларга талабчанлиги туфайли у бошчилик қилган ўқув маскани собиқ иттифоқ даврида ҳам ўрта махсус билим юртлири орасида етакчи ўринларни эгаллаб келган эди.

Тошкент Алоқа коллежини битириб чиққан минглаб ёш мутахассислар нафақат республикамиз худудида, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам алоқа соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини кўшиб келишмоқда. Бугун Эркин Иқболовични таниган, билган одамлар унинг номини чўқур ҳурмат билан тилга олади. Чунки у шундай эъзозга лойиқ, мўътабар инсон эди.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари учун Эркин Иқболович «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими», «Алоқа ус-таси» фахрий унвонлари ҳамда «Хурмат белгиси» ордени ва бир қанча «Фахрий Ёрлик»лар билан тақдирланган эди.

### САҲОВАТЛИ ҲАМКАСБЛАР!

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси Эркин Иқболовичнинг ибратли ҳаёт йўли билан ёш авлодни таништириш ҳамда руҳини шод этиш мақсадида коллежимиз биносида раҳматлига аталган музей ташкил қилишни ният қилди.

Қадимдан ота-боболаримиз ўтганлар ёдини абадийлаштириш йўлида кўплаб ибратли ишларни амалга оширишган, савобли юмушни ҳар нарсадан ус-тун қўйишган. Юртбошимиз Ислон Каримов айтганидек, «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак». Биз бошлаган хайрли ишни амалга оширишда ўз улушингизни қўшасиз деган умиддамиз. Эркин Иқболович НУРИТДИНОВНИ яқиндан билган дўстлари, ҳамкасблари, шогирдларидан коллежимизда ташкил қилинаётган музейга у киши тўғрисидаги хотиралар, ҳужжатли материаллар ва фотосуратларни қуйидаги манзилга юборишларини сўраймиш:

700128, Тошкент шаҳри,  
Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй,  
Тошкент Алоқа коллежи,  
телефонлар: 41-12-48, 41-36-78.

**КОЛЛЕЖ МАЪМУРИЯТИ**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ МИЖОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Пойтахт телефонларини «6»та рақамлидан «7»та рақамлига ўтказиш ишлари давом этмоқда. Шу йилнинг 14-15 июнь кунлари пойтахтимиздаги 32, 33, 36, 39-АТСлардаги рақамлар «7» рақамлига ўтказилади. Ҳозир амал қилаётган мазкур АТСлардаги рақамлар олдида «1» рақами қўйиб терилади.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси  
ва радиолантириш ишлаб чиқариш бирлашмаси

## КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БАРЧА ҲУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси алоқа корхоналарида «СССР» ёзуви ва «Почта СССР» маркази бўлган барча турдаги почта карточкалари ва хатжилдларидан фойдаланиш тўхтатилади.

1997 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси почта алоқа корхоналарида 110x220 мм ўлчамдаги хатжилдлар фойдаланишга чиқарилади. Хатжилднинг юқоридаги чап қисмида куйидаги ёзув бор.

O'zbekiston Respublikasi Aloqa Vazirligi

«O'zbekiston pochta» Konserni

Хатжилд республикамизнинг барча алоқа бўлимларида сотилади.

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг.

Биз Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» КОНЦЕРНИ

# БИР МУНИС НИГОҲНИНГ ТАФТИНИ СЕЗДИМ...



**Юсуф РАСУЛ** — Хўжанд вилоятининг Панжакент тумани, Сўжина қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиш билан бирга Ўзбекистон радиосининг «Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт» муҳарририясида хизмат қиляпти.

\*\*\*  
Сен ўзинг ҳақингда маҳзун, соҳира  
Ҳазин хотиралар қолдирдинг бир тўп.  
Сўнг кетдинг... Девона шамоллар билан  
Тилсиз хаёлларинг келдилар қайтиб.

Бибурд вужудимдан ҳайдалган юрак  
Намхуш хотиранинг гўшаларида,  
Тийра кўзларингдан томган ёғдудан  
Жон олди ялдо кечаларида.

Сенинг бахт ҳақдаги фасоналаринг  
Ўзидан улоққан девоналардай,  
Қайтдилар... қайтдилар мендан жой сўраб  
Хаёл деб аталган кошоналарга.

Сен кетгач... омонсиз қийноқлар ичра  
Дучор бўлиб қолдим ўзимга ўзим.  
Сен кетгач... хотира кўзгуларидан  
Танидим ва топдим сени, юлдузим.

\*\*\*  
Турмуш ўз йўлида, ғаму кувонч ҳам,  
Ҳаёт оқаверар босиб кўнглингни.  
Сенга таништирмоқ истайман, гулим,  
Кўзларинг тубидан боққан кимсани.

У ҳаё ва ибод макони бўлиб  
Қалбингдан талпинар нигоҳларингга.  
У шундай бир сирли назокат билан  
Табассум кўндирад дудоқларингга.

У шундай бир ажиб хилқат эрур, рост,  
Кел, аён этайин, у — сенинг руҳинг.

У — тангри инъоми, йўқ, унинг сири,  
У — инсон асрори, йўқ, сенинг ўзинг.

\*\*\*  
Аввал учрашамиз пинҳона ва жим,  
Сен-да ўзинг билан, мен ўзим билан.  
Сен-да бош эгасан туйғуларингга,  
Мен-да олишаман шом, рўзим билан.

Сўнгра тарқаламиз моддий дунёга,  
Рух ва туйғуларни ҳар ёнга сочиб.  
Сенинг хабарингни эшитган замон  
Ёнингга бораман ўзимдан қочиб.

Кечиргин, ахир бу не кўргуликдир,  
Нечоглик ҳасратдан муҳаббат ғами?!  
Менинг излаганим шодлик эмас, йўқ,  
Менинг излаганим кўзларинг нами...

\*\*\*  
Туманли йўлларда телбавор кезиб,  
Жумбоқ саволларнинг бағрини тилдим.  
Осмоннинг пойида туриб, жимгина  
Осмонга тикилдим, тикилдим...

Кўзларим қамашди мовий ранглардан,  
Рухимда кимнингдир қафтини сездим.  
Безовта ҳаяжон инган фалақдан  
Бир мунис нигоҳнинг тафтини сездим.

У ҳам мен сингари бечорамикин?  
Ё ишқда оввора нетай билмадим.  
Ўзимдан улоқиб беимкон, бесас,  
Йиғладим... Йиғладим... Йиғладим...

Юсуф РАСУЛ

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Катталиги жиҳатидан дунё бўйича  
учинчи ўринда турадиган улкан китоблардан бири — «Катта атлас»  
1664 йили нашр қилинган.

Германиянинг Росток университети кутубхонасида сақланаётган бу атласнинг оғирлиги 120 килограмм, очилган ҳолда бўйи ва эни 166х204 сантиметр.

Поезд пайдо бўлган пайтларда темир йўлдан ҳаддан зиёд эҳтиётлик билан фойдаланилган. Айниқса, поездда почта ташиш маҳали алоҳида хушёрлик кўрсатилган. Бунинг учун почта поездини темир йўлнинг ҳар икки томонидан отлиқлар кузатиб борган.

**МУАССИС:** Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Абдувоҳид ЖУРАБОВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ

Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Бўривой АХМЕДОВ  
ОТАУЛИ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлкин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

Абдулло ибн Саржис ал-Музанийнинг айтишича, ҳазрат Набий (саллоллоху алайҳи васаллам) бундай

лोलлоху алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Садақа билан мол қамаймайди, афв этган кишининг мар-

• Мерос

Абу исо ТЕРМИЗИЙ

## ҲАДҲСАЛАР

деганлар: «Тўғри йўл тутиш, вазминлик ва иқтисод (тежамлилик) пайғамбарликнинг йигирма тўрт қисмидан бир қисмидур».

\*\*\*  
Абу Умоманинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) шундай деганлар: «Шарму ҳаё ва тортинчоқлик иймоннинг икки шохобчасидур. Бешармлик ва сурбетлик эса нифоқнинг икки шохобчасидур».

\*\*\*  
Абу Ҳурайра ривоят қилишича, Расулulloх (сал-

табасини Оллоҳ баланд қилади ва кимки Оллоҳ йўлида ўзини камтар тутса, Оллоҳ унинг мартабасини кўтарари.

\*\*\*  
Усома ибн Зайдининг ривоят қилишича, ҳазрат Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) шундоқ деганлар: «Кимки бировдан бир яхшилик кўрса ва унга жавобан, Оллоҳ сенга ажрини берсин, деса, унинг шукрини айтган бўлади».



## ҲИКМАТЛАР

Ҳар қим агар қудратли вақтида яхшилик қилмаса, нотавонлик вақтида қаттиқлик кўради.

\*\*\*  
Агар ҳамма кечалар қадр кечаси бўлганда эди, қадр қилмас эди.

\*\*\*  
Шерга панжа билан, қиличга мушт билан чиқиш донишмандлар иши эмас.

\*\*\*  
Агар қорин ғами бўлмаса эрди, ҳеч бир парранда тузоққа илинмас, балки овчи ҳам тузоқ қўймас эди.

\*\*\*  
Хотинлар билан машварат қилиш — тубанликдир, фасодчиларга саховат этиш — гуноҳ.

\*\*\*  
Жоҳил агар тил билан донишманддан голиб келса ажаб эмас, чунки тош ҳам жавоҳирни синдиради.

\*\*\*  
Чирок офтоб олдида зиёсини йўқотади.

\*\*\*  
Дўсту душман билан муомалада эҳсон йўлини тутки, дўстларнинг меҳр-муҳаббати ортади, душманларнинг адовати камаяди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлэзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0409. 11213 нусхада chop этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 16

ХУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОША-ВИНЛА!

Профилактика муносабати билан 16 июнь, душанба кунин УзТВ 1 кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача УзТВ III канали орқали намойиш этилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бедоб». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Санъат гуначлари».

18.45 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби. 19.05 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Биржа ва банк хабарлари». 20.15 Оқшом эртақлари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Буюк келажак сария».

21.30 «Ахборот» (рус тилида). 21.50 Хиванинг 2500 йиллигига. «Мехр макони». 3-қисм. 22.10 УзТВ ҳазинасидан. Пиримкул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.

23.30 «Ахборот». 23.55 Тўғи тароналар. 00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

СЕШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

9.30 «Биржа ва банк хабарлари». 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Дорбарлар». Кўчм халқдаги дорбарлар ва кўчирчк театрлари фестивали.

21.45 «Истиқлол тафаккури». 22.15 УзТВ ҳазинасидан. Пиримкул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.

23.30 «Ахборот». 23.55 Тўғи тароналар. 00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

17.15 Янгиликлар. 6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сўғайна» Францияда.

9.05 «Иқтисодий тароҳларидан». 9.25 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Марилон илаг». 9.40 «Алпомисл авлодлари».

10.05 «Нуроний». Тележурнал. 10.35 «Абитуриент—97». Математика. 11.05 Гижжак тароналари фестивали.

11.35 УзТВ ҳазинасидан. Пиримкул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм. 12.50 «Олтин миҳ».

13.00 «Мурзиблат видеоанали». 14.00 Янгиликлар. 14.05 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Фасин ёзи». 9.05 «Замин фидойилари».

9.30 «Қалб кўзгуси». Бадий-мозирфилм кўрсатуви. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Орзу».



сари. Телесернал. 21.05 «Автосалтанат». 21.15 «Бизнес-шифокор».

ПАЙШАНБА, 19

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

8.35 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сўғайна» Францияда. 9.05 «Иқтисодий тароҳларидан».

9.25 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Марилон илаг». 9.40 «Алпомисл авлодлари».

10.05 «Нуроний». Тележурнал. 10.35 «Абитуриент—97». Математика. 11.05 Гижжак тароналари фестивали.

11.35 УзТВ ҳазинасидан. Пиримкул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм. 12.50 «Олтин миҳ».

13.00 «Мурзиблат видеоанали». 14.00 Янгиликлар. 14.05 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Фасин ёзи».

9.30 «Қалб кўзгуси». Бадий-мозирфилм кўрсатуви. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Орзу».

13.10 «Буюк ёпишиш». Мультфильм. 13.20 «Ўзбекистон қўшиқ фестивали».

19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Сарапаш учрашуви. Ўзбекистон — Индонезия. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.

19.45 «Ахборот» (рус тилида). 20.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Сарапаш учрашуви. Ўзбекистон — Индонезия. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.

21.00 «Ахборот». 21.30 «Иқтисод афифоси». Пиримкул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.

23.30 «Ахборот». 23.55 Тўғи тароналар. 00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

8.35 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сўғайна» Францияда. 9.05 «Иқтисодий тароҳларидан».

9.25 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Марилон илаг». 9.40 «Алпомисл авлодлари».

10.05 «Нуроний». Тележурнал. 10.35 «Абитуриент—97». Математика. 11.05 Гижжак тароналари фестивали.

19.00 «Дубляж». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Олтин кент». 20.10 «Жазмба». 20.30 «Ахборот».

21.00 «Эиндаги ёхуд муҳаббат». 21.25 «Спорт қитъаси». 21.50 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.10 Видео «О». 23.50 — 24.00 «Орақчи».

17.05 Дастуринг очилиши. Эълонлар. 17.10 «Сиеҳ одам». Фильм-эртақ. 18.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.45 «Янги касоскорлар». Телесернал (Англия). 22.35 София Ротару куйлайди. 23.15—23.30 Телефильм.

9.00 «Азобика». 9.20 Кинонинг олтин асри. «Фиръавн». Бадий фильм.

10.30 «Шанба эртаги». 11.45 «Слекталдан сўнг». 12.00 «Учучи шифокорлар». Телесернал.

12.45 «Қадрлар». Ўзбекистон халқ артисти Валентина Романова. 13.15—13.35 Корея тилини ўрганамиз.

17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мурзиблат». 19.05 «Санъат барбора».

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Слекталдан сўнг». 20.05 «Ҳинсен».

ЯКШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 «Камолат».

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Олам нурга тўлаверсин».

12.25 Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 38-қисм. 13.00 «Тотта танлафуш».

13.25 «Ўзбекистон спорти». 13.40 «Цирк Цирк Цирк». 14.00 — 15.40 «Гаройиб болар».

Бадий фильм. 17.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Сергейлар кампир».

18.20 «Мехрин сизники». Гўлнеҳра Жўраева. 18.40 «Баҳодир Шох Зафар».

ШАНБА, 21

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Замира Сулонова куйлайди».

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...» 9.20 «Телевидение ва театр».

9.40 Дилором наволар. 10.00 «Ханда дўшани».

ЖУМА, 20

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Олтин мерос».

Тўғи ёду.

Дам олиш дастури: 22.50 «Ҳўй ва тасвир». 23.10 «Жўён хоним».

«Ташкентдан гиларимиз ва кўрсатимиз» теледастуридан олинди.